

## КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

**Аннотация:** мақолада кичик саноат зоналарининг моҳияти ёритилган, уларнинг иқтисодий самарадорлиги тавсифланган, Бухоро вилояти иқтисодиётида кичик саноат зоналарининг роли аниқланган, уни ошириш бўйича тегишли хуросалар ва таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** кичик саноат зоналари, Ҳаракатлар стратегияси, эркин иқтисодий зоналар, кооперация, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, экспорт ва тадбиркорлик зоналари.

Мамлакатимизда маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини чукур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналарни ташкил этиш, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу орқали янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестисияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Кичик саноат зоналарининг ташкил қилиниши замонавий рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлашга, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Биз иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантира олсан, бу масалада ижобий натижага эришиш мумкин. Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зонарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференцияларни беришни ташкилий ва хукуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим”.<sup>1</sup>

Бугунги кунда ҳудудларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланишда кичик бизнес секторини кўллаб-кувватлаш ва қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш соҳасидаги давлат сиёсати 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар асосида олиб борилмоқда. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш, йўл-транспорт инфраузилмасини янада ривожлантириш, шунингдек, давлат мулки хусусийлаштирилган обьектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш вазифалари белгиланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўрта ва кичик бизнес тушунчасини аниқлашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кичик ва ўрта бизнес мезонларини аниқлаш учун иккита умумий ёндашув мавжуд бўлиб, биринчи миқдорий ёндашув ўз ичига ишловчилар сони, ишлаб чиқариш қуввати, сотиш ҳажми, активлар қиймати ва шу каби мезонларни қамраб олади. Бошқа томондан, сифат

<sup>1</sup> 2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.

ёндашувига устунлик берилганда, яъни бизнеснинг таъсисчилари ва бошқарувчилари ўртасидаги консенсус, таъсисчилар ёки бошқарувчиларнинг ўз зиммасига олиши мумкин бўлган бизнес рискининг даражаси, таъсисчилар ёки бошқарувчиларнинг бизнес ишидаги ўзини тутиши ва рақобат доирасида бизнесдаги вазиятга боғлиқ масалаларни кўриб чиқишида баъзи мезонлар субъектив тавсифга эга бўлиб қолиши мумкин. Хусусан, Туркияда кичик ва ўрта бизнесни аниқлашда “Саноат ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш ва мажбуриятлари тўғрисида”ги қонуннинг қўшимча моддаларига асосан ходимлар сони 250 нафар ва йиллик сотишдан тушган тушум ёки баланс қиймати 25 млн. турк лирасигача бўлган мезонлардан фойдаланилади. В.М.Багинова ва В.Г.Беломестновларнинг таъкидлашларича, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тажрибасидан кўриниб турибдики, давлатнинг хавфсизлиги, рақобатбардошлиги ва барқарорлиги кичик бизнеснинг ривожланиш даражасига боғлиқдир.<sup>1</sup> Кичик бизнесни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири уларни қўллаб-қувватлашнинг молиявий, мулкий, ҳуқуқий, инфратузилмавий, услугбий ва бошқа барча спектрдаги механизмларини сифатли янги даражадаги чора-тадбирлар ва воситаларни шакллантириш билан белгиланади.<sup>2</sup> Жаҳон иқтисодиётида юқори натижаларга эришган мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқдаки, мазкур мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали, ахолининг турмуш даражасини юксалтиришга эришилган. Масалан, ЕИга аъзо мамлакатларда 67 фоиз, Германияда 65 фоиз, АҚШда 52 фоиз, Японияда 80 фоиз ва ЕИ мамлакатларида 70 фоиз банд ахолининг улуши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади.<sup>3</sup> Мазкур соҳани ўрганишга дунёнинг етакчи иқтисодчи олимларидан М. Порттер, Ахмадеева О.А., Любова О. В., Беленов О. Н., Смольянинова Т. Ю., Шурчкова Ю. В., Беркович М. И., Антипина Н. Фридман А.М., Семенов В.М., Василенкова Н.В., И., Егорова А. О., Кузнецова С. Н., Ленчук Е. Б. лар катта ҳисса қўшган(2-8). Бу олимларни ишлари минтақа иқтисодиётини тахлил этиш ва уларни ривожлантириш масалаларига ҳамда Россия худудларида индустрисал паркларни ва саноат паркларини ташкил этиш, молиялаштириш уларни ривожлантириш масалаларига қаратилган. Индустрисал ҳамда саноат парклари ва зоналари ҳудудий жиҳатдан жуда катта булиб, уларда йирик саноат корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантириш муаммолари ҳал қилинади. Ўзбекистонлик олимлардан Баева Ш., Фуломов С.С., Яхшибоев Г.К. (10,11,12) ва бошқаларнинг ишлари асосан корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга бағишинланган. Лекин, юқоридаги ишларда кичик саноат зоналарини молиялаштириш масалалари деярли кўриб чиқилмаган.

И.А.Гришиннинг фикрича, саноат соҳасидаги кичик бизнес-бу бошқа тармоқлардаги кичик корхоналардан фарқли равишда янада юқори қўшилган қиймат ишлаб чиқариши мумкин бўлган мураккаб тизимди.<sup>4</sup> О.А. Ушакованинг таъкидлашича, саноат бизнесидаги кичик корхоналарнинг фаолият соҳаси ишлаб чиқариш ресурсларига нисбатан юқори бўлмаган эҳтиёж ва кам сонли бўлган истеъмолчилар учун кўп бўлмаган миқдордаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш заруриятидан юзага келган.<sup>5</sup> Ўз навбатида, Е.А.Александрова кичик саноат тадбиркорлигини саноат ишлаб чиқариш секторидаги

<sup>1</sup> Багинова В.И., Беломестнов В.Г. Потенциал развития малого промышленного предпринимательства в регионе. // Известия Иркутской государственной экономической академии. 2015. Т.25. № 6. – С. 999.

<sup>2</sup> Колпакиди Д.В. Выбор инструментов развития социального предпринимательства в России. // Государственное регулирование экономики. <https://cyberleninka.ru/article/n/vybor-instrumentov-razvitiya-sotsialnogo-predprinimatelstva-v-rossii/viewer>

<sup>3</sup> Зуннунова Х.М. Кредитование малого бизнеса залог развити страны. // Экономические науки. 2018. - №1/4. №<https://cyberleninka.ru/article/n/kreditovanie-malogo-biznesa-zalog-razvitiya-strany/viewer>

<sup>4</sup> Гришин И. А. Особенности развития малого предпринимательства в российской промышленности / И. А. Гришин // Российское предпринимательство. 2006. № 7 (79). - С. 24-29.

<sup>5</sup> Ушакова О. А. Возрастание роли малого промышленного бизнеса в модернизации экономики / О. А. Ушакова / Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. - 2011. № 2 (18). - С. 178-181.

кичик корхоналарнинг фойда олишга йўналтирилган фаолияти сифатида кўрсатиб ўтган.<sup>1</sup> Балтиморенинг фикрига қўра, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан 1962 йилда Испанияда олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб берилган тавсиялар бўйича худудларда саноат комплексларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун саноат-ишлаб чиқариш эркин иқтисодий зоналари барпо этилган. Мазкур территорияда фаолият кўрсатаётган ёки фаолият юритмоқчи бўлган давлат ва хусусий компанияларга маҳаллий саноатга минимал ҳажмдаги инвестиция ва маълум микдордаги бўш иш ўринлари яратилиши шароитларида танлов асосида давлат томонидан молиявий қўллаб-куватлаш ва солик перефенсиялари кафолатланган.<sup>2</sup>

Кузнецов ва Кузнецоваларнинг таъкидлашича, Испанияда худудий ривожланиш вазифаси кичик ва ўрта бизнесни шунингдек, туризм соҳасида давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг миллий стратегиясини ишлаб чиқиши ва амалга оширишдан иборат бўлиб, маҳсус иқтисодий зоналар худудлар ривожланишидаги муҳим восита бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда, мамлакатда турли шаклдаги зоналар фаолият юритиб, буларга инновацион фаолият бўйича технологик парклар, замонавий саноат-ишлаб чиқариш комплексларини ривожлантириш учун мўлжалланган саноат зоналари ва эркин иқтисодий зоналар киради.<sup>3</sup> Шу ўринда, АҚШнинг тадбиркорлик зоналари ва технопарклар ташкил этиш тажрибасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. АҚШдаги тадбиркорлик зоналари узоқ давр давомида иқтисодий фаоллик пасайиши кузатилган шаҳар худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурларини федерал бюджетдан мукобил тўғридан-тўғри молиялаштириш бўлиб ҳисобланади.

Давлат бошқарувининг Зта даражасидаги ҳокимият органлари қарорига асосан ташкил этилишига қўра, тадбиркорлик зоналари юридик мақоми бўйича федерал, штат ва маҳаллийга ажратилади.<sup>4</sup> Туман ёки шаҳар тадбиркорлик зонаси мақомини олиш учун куйидаги талаблар қўйилади:

- ❖ мазкур туманда яшовчи 70 фоиздан ортиқ аҳолининг даромади бошқа худудлар ёки мамлакат бўйича аҳоли ўртacha даромадининг 80 фоизидан кам бўлиши;
- ❖ мазкур туманда ишсизлик даражасининг бошқа худудлар ёки мамлакат бўйича ўртacha даражадан сезиларли юқори бўлиши;
- ❖ амал қилиш муддатининг чекланиши: 10-20 йил (федерал тадбиркорлик зоналари 20 йилгача ташкил этилади);
- ❖ тегишли ҳокимият органлари қарорига асосан ташкил этилган тадбиркорлик зоналарининг фаолияти уй-жой қурилиши ва шаҳарни ривожлантириш вазирлиги томонидан назорат қилиниши;
- ❖ ташкил этилган тадбиркорлик зоналарига штатлар даражасида бериладиган имтиёзлар (солик, маъмурий ва бошқалар) бўйича мажбуриятларни аник белгиланиши.

Ҳозирда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ишсизлик даражасини камайтириш кўзда тутилган давлат дастурларига асосан АҚШнинг 700та шаҳар ва туманларида 1500дан ортиқ фаолият юритаётган тадбиркорлик зоналаридаги компанииялар учун федерал, штат ва маҳаллий органлар томонидан иқтисодий ҳамда бошқа имтиёзлар берилган. Хусусан, қурилиш ва ремонт ишларига федерал соликлар бўйича 5 фоиз микдорида солик чегирмалари, капитал ўсишига солик тўлашдан озод қилинган бўлса, штатлар даражасидаги компаниялар тўлайдиган даромад соликларидан 50 фоиз микдорида солик чегирмалари

<sup>1</sup>. Александрова Е. А. Управление развитием малого промышленного предпринимательства в условиях глобализации экономики : автореф. дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 / Е. А. Александрова. - СПб., 2011. - 217 с.

<sup>2</sup> The economic development of Spain / International Bank for Reconstruction and Development (IBRD) -Baltimore, 1967.

<sup>3</sup> Региональная политика: зарубежный опыт и российские реалии / Под ред. А.В. Кузнецова, О.В. Кузнецовой. - М.: ИМЭМО РАН, 2015. - 137 с.

<sup>4</sup> Басенко А.М. Функции свободных экономических зон в механизме интеграции национальной экономики в систему мирохозяйственных связей: Дис. д-ра экон. наук. - Ростов н/Д, 2002.

белгиланган. Шу билан бирга, тадбиркорлар учун иқтисодий рағбатлантиришлардан ташқари ҳисоботлар юритишининг соддалаштирилган тартиби, атроф-муҳитнинг муҳофазаси ва хавфсизлик мөъёрлари бўйича стандартларга талабларни камайтириш кўзда тутилган. Раимжанованинг (2017) фикрича, хар бир вилоятнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда (айниқса аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда) тадбиркорлик зоналари ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлиб, ) тадбиркорлик зоналари маҳаллий капитал ва ишчи кучига таянган ҳолда ички иқтисодий вазифаларнинг ечимиға қаратилиди. Шунингдек, тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш дастури содда ва тушунарли бўлиши ва асосий эътибор рағбатлар ва имтиёзлар тизимиға қаратилиши лозим. Адриановнинг фикрига кўра, эркин иқтисодий ҳудудлар миллий ҳудуднинг бир қисми бўлиб, иқтисодий муаммолар ечимини топишда кенг имкониятларни яратиб беради.<sup>1</sup> Т.Л.Данъко эркин иқтисодий ҳудудларни қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни, илмий фаолиятни рағбатлантириш механизми сифатида баҳолайди.<sup>2</sup> Ш.И.Мустафақуловнинг таъкидлашича, эркин иқтисодий ҳудуд – бу мамлакатнинг имиджи ҳам. Эркин иқтисодий ҳудудлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қиласи. Эркин иқтисодий ҳудуд қайси мамлакатда, унинг қайси ҳудудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради.<sup>3</sup>

Д.В. Колпакидининг таъкидлашича ҳудудларни ривожлантириш миллий лойиҳасидаги кўрсаткичлар нинг бажарилишини таъминлашда давлат даражасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлашнинг замонавий механизmlарини ривожлантириш кўзда тутилган бўлиб, ушбу воситалар сифатида маҳсус иқтисодий зоналар, индустрисал саноат парклари, технопарклар, ҳудудий кластерлар, ҳудудий ривожланиш зоналари ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.<sup>4</sup> Мазкур кўрсатиб ўтилган воситалар тадбиркорлик фаолиятини юритишининг қонунчилик билан ўрнатилган имтиёзли режимда иқтисодиётнинг устувор йўналиши турларини ривожлантиришда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш имкониятини беради.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлган саноатнинг жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш, уларда амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш, хорижий ва маҳаллий иштирокчилар учун яратилган шароитларни юқори даражада қулайлаштириш, бу борада жуда муҳим аҳамиятга эга. Бир қанча замонавий ишлаб чиқариш қувватларини зарур инфратузилмага эга ягона ҳудудда жамлаш юксак иқтисодий самара бериши жаҳон тажрибасида ҳам ўз исботини топган, бу ердаги шароит ва қулайликлар корхоналар фаолиятининг жадал ривожига хизмат қилиши билан аҳамиятлиdir. Шуни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси минтақалари ҳам бу борада юқори натижаларга эришмоқда, айниқса, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган давлат мулки объектлари, бўш ер участкалари негизида кичик саноат зоналари ташкил қилиниши натижасида саноат зоналарининг фаолияти янада ривожлантирилмоқда. Улар маҳаллий истеъмолчиларга зарур бўлган ва хорижга экспорт қилиш учун мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламининг ошишига ва янги иш ўринларининг яратилишига муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Шу ўринда саноат кооперациясининг чуқурлашувига хизмат қилаётган кичик

<sup>1</sup> Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. Журнал «ЭКО», 1997, (№3). - С: 42.

<sup>2</sup> Данъко Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М. 1998. – С. 168.

<sup>3</sup> Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография Тошкент. "Iqtisod-Moliya", 2017. - 326 б.

<sup>4</sup> Колпакиди Д.В. Современные инструменты развития малого и среднего предпринимательства в России: особые экономические зоны. // Государственное регулирование экономики. 2019. - С..57-64.

саноат зоналарининг аҳамияти тобора ортиб бораётгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бўш турган ёки фойдаланимаёттган бино ва иншоотлар негизида барпо этилаётгандан кичик саноат зоналари давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликнинг нодир намунаси сифатида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, янги иш ўринларини барпо этиш ва экспорт салоҳиятини оширишда қўл келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сон Қарорига<sup>1</sup> асосан:

Кичик саноат зонаси – ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, аҳоли пункти ҳудудининг ёки аҳоли пунктлароро ҳудуднинг қонун ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ҳамда ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ва чегаралари аниқ белгиланган қисми. Кичик саноат зоналарининг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларга қуидагиларни киритиш мумкин:

- кичик саноат зоналарида ишлаб чиқаршни кластер асосида ташкил этилиши синергетик самарага олиб келади.

- кичик саноат зоналарида кичик бизнес субъектларига умумий хизмат кўрсатувчи тузилмаларни ташкил этилиши ҳам қўшимча самарага олиб келади. Масалан: ягона омборхона хизмати, транспорт хизмати, ускуна ва технологияларни таъмирлаш хизмати, таъминот хизмати, кўриқлаш хизмати ва бошқалар.

- кичик саноат зоналаридаги тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперациянинг йўлга қўйилиши ҳар бир тадбиркорлик субъекти амалга ошира олмайдиган йирик лойиҳаларни амалга оширишга имконият яратади. Масалан: қимматбаҳо янги ускуна ёки технологияни сотиб олиш, экспортни қўллаб қувватлаш, қўшимча ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш, логистика хизматларини кенгайтириш. Юқоридагилар кичик саноат зоналари ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошишга олиб келади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мақроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, давлат мулки хусусишаҳтирилган обектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулаги шарт – шароитлар яратиш, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришга доир кўплаб вазифалар белгиланган. Унга қўра: “Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларини аниқласин ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсинг. Янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан 100 миллиард ажратилади, янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда хусусийлаштириб берилади ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади” – деб таъкидланган. Бу амалга оширилаётгандан чора – тадбирлар кичик саноат зоналарининг ривожланиши учун мухим омил бўлиб хизмат қилаёттир. Президентимиз топшириғига асосан эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сон Қарори.  
<https://lex.uz/docs/4758585?ONDATE=05.04.2022%2000>

маблағи ҳисобидан 100 миллион доллар миқдорида чет эл валютасидаги кредит линияси очилган.

Кичик саноат зоналарида дирекциялар ташкил этилган. Кредит олиш ва банк хизматларидан фойдаланишда муаммо бўлмаслиги учун ҳар бир зонага муайян тижорат банки бириклирлган. Бозор талаблари ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳри туманлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга ташрифлари чоғида бўш турган ёки самарасиз иш юритаётган ишлаб чиқариш биноларини бориб кўрди. Улардан самарали фойдаланиш, янги корхоналар ташкил этишини рағбатлантириш мақсадида ушбу бинолар негизида кичик саноат зоналари ташкил этилди. Мамлакатимиздаги кичик саноат зоналари 96 тага етди. Бугунги кунгача ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга teng 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташкил бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебел ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.<sup>1</sup>

Бухоро вилоятида ҳам кичик саноат зоналарини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат мулкининг ва давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи жамиятларнинг ишлаб чиқариш майдонлари ва обектларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шароитларни шакллантириш, янги рақобатбардош ишлаб чиқаришларни ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-куватлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга алоҳида ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу асосда ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрьдаги “Бухоро вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3965 сон Қарори қабул қилинди. Бухоро вилоятида саноат зоналарининг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу саноат соҳасининг ривожланаётганидан далолатдир, саноатни янада ривожлантириш мақсадида кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бухоро вилоятида 2020 йилда ташкил этилган саноат корхоналари сони 1 235 тани, 2022 йилда эса 1 027 тани ташкил этди.<sup>2</sup>

### **Технопарк ва кластерлар фаолияти2022- йил 1- январ ҳолатига кўра худудлар кесимида МИЗ, КСЗ, технопарк ва кластерларсони\*, бирликда**

	Жами	МИЗ	КСЗ	Технопарк	Кластер
Ўзбекистон Республикаси	557	21	114	7	415
Қорақалпоғистон Республикаси	72	1	11	-	60
Вилоятлар:					
Андижон	18	1	2	-	15
Бухоро	58	2	1	1	54
Жizzах	35	2	1	-	32
Қашқадарё	42	-	8	-	34
Навоий	53	1	1	2	49
Наманган	49	2	26	-	21
Самарқанд	35	1	1	-	33
Сурхондарё	60	3	20	-	37

<sup>1</sup> 2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийтни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.

<sup>2</sup> Stat.uz

Сирдарё	35	2	8	-	25
Тошкент	41	4	17	-	20
Фаргона	20	1	9	-	10
Хоразм	29	1	1	3	24
Тошкент ш.	10	-	8	1	1

Stat.uz

Ўтган йилларда йирик саноат тармоқларини ривожлантириш борасида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар кичик саноат зоналарини зарур хомашё ресурслари билан таъминланишига замин яратди. Кичик саноат зоналари фаолиятини кенгайтириш ҳамда уларнинг иштирокчиларини рағбатлантириш механизmlарининг такомиллаштирилиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Бухоро вилоятида кичик саноат зоналарини кўпроқ ташкил этиш, уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, кичик саноат зоналари фаолиятини янада юксалтириш учун кредит ва банк хизматларидан фойдаланишда имтиёзлар яратиш, бозор талаблари ва импорт номенклатурасини ўрганиш асосида тадбиркорлар учун таклифлар, истиқболли лойиҳалар рўйхати шакллантирилиши кичик саноат зоналари фаолиятини янада мувофиқлаштиришга ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишида саноатнинг улушини оширишга муносиб ҳисса қўша олади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июнданги “Худудларда маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни мухандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-271-сон Қарорида берилган топшириқлар ижросини ўз муддатида таъминлаш мақсадида тармоқ корхоналари билан мухандислик коммуникация обектларини куришни тезлаштириш ва ушбу қарор билан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Бугунги кунда республикамизда 30 дан ортиқ терини қайта ишлашга ихтисослашган саноат корхоналари фаолият юритаётган бўлса, янги дастур асосида 20 дан ортиқ корхона тўлиқ модернизация қилиниб, Туркия ва Италиядан келтирилган жиҳозлар билан таъминланди. Бундай зоналарнинг ташкил этилишидан мақсад ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар – поябзал, чарм атторлик, чарм кийимлар улушини кўпайтириш эди. Бу эса тайёрланадиган буюмлар учун сифатли хомашё етказиб берилишини таъминлайди. Кичик саноат зоналарида терини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар бир жойда жамланади. Натижада тозалаш иншоотлари ҳам марказлаштирилган тартибда қурилади ва замонавий технологиялар билан жиҳозланади. Бу экологияни асрарда катта аҳамиятга эга. Хориж тажрибасига кўра, корхоналарнинг кластер усулида бир жойда жорий этилиши ривожланиш босқичларини тезлаштиради. Бундай саноат зоналарини яратиш экспорт имкониятларидан кенг фойдаланишга замин яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Республикаси Президентининг ПҚ-3965-сон 11.10.2018 йилдаги “Бухоро вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ти қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.06.2019 йилдаги “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори.
- 3.2017 – 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 134-сон 09.03.2020 йилдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ти қарори.

5. Багинова В. М., Беломестнов В. Г. Потенциал развития малого промышленного предпринимательства в регионе. Известия Иркутской государственной экономической академии. -2015. -Т. 25, № 6. - С. 999-1003.
6. Колпакиди Д.В. Современные инструменты развития малого и среднего предпринимательства в России: особые экономические зоны. // Государственное регулирование экономики. 2019. – С. 57-64.
7. Зуннунова Х.М. Кредитование малого бизнеса - залог развития страны. экономические науки. 2018 . – С. 18-21.
8. Гришин И. А. Особенности развития малого предпринимательства в российской промышленности / И. А. Гришин // Российское предпринимательство. 2006. № 7 (79). - С. 24-29.
9. Ушакова О. А. Возрастание роли малого промышленного бизнеса в модернизации экономики / О. А. Ушакова / Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. - 2011. № 2 (18). - С. 178-181.
10. Александрова Е. А. Управление развитием малого промышленного предпринимательства в условиях глобализации экономики : автореф. дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 / Е. А. Александрова. - СПб., 2011. - 217 с.
11. The economic development of Spain / International Bank for Reconstruction and Development (IBRD) -Baltimore, 1967.
12. Региональная политика: зарубежный опыт и российские реалии / Под ред. А.В. Кузнецова, О.В. Кузнецовой. - М.: ИМЭМО РАН, 2015. - 137 с.
13. Раимжанова М.А. Эркин тадбиркорлик худудлари фаолиятини ривожлантириш кичик бизнес ва тадбиркорликнинг рақобатбардошлигини ошириш омили сифатида. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий электрон журнали. 2017. - № 4.
14. Адрианов В.Д. Специальные экономические зоны. Журнал «ЭКО», 1997, (№3). - С: 42.
15. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион мұхит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиєт. Монография Тошкент. "Iqtisod-Moliya", 2017. 326 б.
16. Данько Т.Л. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве// ИНФРА-М. 1998. – С. 168.
17. Басенко А.М. Функции свободных экономических зон в механизме интеграции национальной экономики в систему мирохозяйственных связей: Дис. д-ра экон. наук. - Ростов н/Д, 2002.
18. Рахманкулова Н. (2023). Роль инвестиций в региональном экономическом развитии. Gospodarka i Innowacje., - С. 36, 168-170.
19. Raxmonqulova Nafisa. (2023). XUSUSIY SHERIKCHILIK VA TURIZM KLASTERI ORQALI HUDUDLARDA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH. Innovations in Technology and Science Education, 2(8), 556–560. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/itse/article/view/620>

**Интернет сайтылар:**

- 1.Lex.uz
- 2.Library.uz